

## ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ПИЧОҚЧИЛИК САНЪАТИНИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Х. Бегматов

Мустақил тадқиқотчиси

### **Аннотация**

Фарғона водийсида ҳунармандчилик туризмини ривожлантиришда халқ амалий санъатини тутган ўрни, жумладан, пичоқчилик халқ амалий санъати намуналаридан туризм ривожидаги ўрни ва аҳамияти очиб берилган. Фарғона водийсидаги пичоқчилик марказлари бўйлаб туризм янги маршрутлари яратишда фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар.** минтақа, туризм, туризм ресурлари, пичоқчилик, халқ амалий санъати.

Туризм миллатлар ўртасида ишонч руҳини мустаҳкамлашда, миллий ифтиҳорни, дўстликни, қардошликтини, меҳр – шавқатлиликни сингдиришда, асрлар давомида сайқалланган урф – одатларни тарихий ва маданий анъаналарни ривожлантириш ҳамда уларни тиклашда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, туризмнинг минтақамиз учун энг муҳим жихати ўзи яшаб турган минтақани қўриш ва ўрганиш орқали маънавий дунёқарашини ошишида муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, аҳолининг соғломлаштириш, иш қобилятини тиклаш ва меҳнат ресурсларининг фаолиятини яҳшилашга хизмат қиласди.

Фарғона водийсида халқ амалий санъатининг энг ёрқин ва кўзга қўринган турларидан бири сифатида пичоқчиликнинг ўрни ва аҳамияти ошиб бормоқда. Пичоқчилик бугунги кунда Эрон, Туркия, Сурия, Ҳиндистон, Озарбайжон каби давлатларда ҳунармандчиликни энг ривожланган тармоғи ҳисобланади. [1.] Шу ўринда пичоқчилик санъати тарихига назар ташлар эканмиз, темирнинг кашф этилиши пичоқчилик санъати тараққиётида катта бурилишга олиб келганлигини кўришимиз мумкин. Пичоқчилик Ўрта Осиё ҳудудида жуда қадимдан ривожланган. Кейинчалик Европа мамлакатларида расм бўлган.

VI-XII асрларда пичоқчилик ривожланиб, безаш технологиялари ҳам ўзгарган. XV – XVII асрларда ёнга осиб юриладиган пичоқ турлари пайдо бўлган. Буни Навоий, Бобур асарларига ишланган миниатюралардан қўриш мумкин. Кейинчалик пичоқчиликнинг ўзига хос мактаблари пайдо бўлди. Фарғона водийси, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида 20 га яқин пичоқчилик марказлари бўлиб, улар ўзининг ишлаш технологияси, шакли, ихчамлиги, безаклари билан фарқ қиласди. Бу марказларга Чуст, Шахрихон, Қорасув, Қўқон, Хива, Тошкент ва бошқа пичоқчилик марказлари киради.

Бугунги кунда ҳунармандчилик туризмини ривожлантириш истиқболи юқори эканлигини инобатга олган ҳолда, Фарғона водийси бўйлаб, янги Чуст – Шахрихон – Қорасув – Қўқон шаҳарлари бўйлаб уч кунлик сайдоҳлик маршрутини ишлаб чиқиши ва сайдоҳларга пичоқчилик тарихи, пичоқчилик мактаблари фаолияти ва бир – биридан фарқли томонлари, усталарнинг маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларини кўрсатиш билан бир қаторда улар учун мастер класслар ташкил этиш орқали туризм соҳасини янада ривожлантириш имкониятлари мавжуд эканлигини кўришимиз мумкин.

Пичоқ Ўрта Осиёда эркакларнинг зарур иш қуроли, безаги ҳисобланган. Шунинг учун Ўзбекистондаги пичоқсозлар пичоқни санъат даражасига қўтарганлар. Пичоқчилик

устахоналарида сайёхларга катта дўйонларда уста босқончи дамгир билан биргаликда ясаётганлигини, унинг дасталарини эса суяқ, мугуз, ёки ёғочдан тайёрлаётганлигини кўрсатиш мумкин. Шунингдек, пичоқчиликда асосий иш қуроллари ҳисобланган ўчоқ, дам, сандон, бозғон, эгов, болға ёрдамида темирнинг қиздиришдан тортиб унинг тайёр маҳсулот даражасига келтиргунча бўлган жараёнларни намойиш қилиш ва сайёхларни ушбу жараёнда қатнашишларини таъминлаш хунармандчилик туризмининг янада ривожланишида, сайёхлар оқимини ошишига олиб келиши мумкин.

Чуст пичоқчилик марказининг машҳур усталаридан Раҳим Убайдуллаев пичоқчиликнинг Фарғона водийсига хос турларини ўрганиб, пичоқларида нақшларни мос келишига, материалларни танлашга, фойдаланишга қулай, заарсиз, кўркам бўлишига ва миллийликни сақлаб қолишга эътибор қаратади. Уста томонидан ишлаб чиқилган “Дандон сопли”, “Суяқ дастали”, “Сарбаста”, “Ханжар” “Қилич”, “Темирқавза” “Ошхона пичоқлари” сайёхларни хайратини ошириб келмоқда. Уста миллий қадриятларга таянган ҳолда, етти хил йўналишда маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди: пичоқлар(8 хилда), қиличлар (8 хилда), дудама (4 хилда), ханжар (5 хилда), дубулға ва қалқонлар, жами 27 хил маҳсулотлар юқори сифатда ишлаб чиқариб, Фарғона водийсида хунармандчилик туризмини шакллантиришда ва тарихий фильмларни янада жонли чиқишида уста томонидан яратилган дубулға ва қалқонлардан фойдаланиш мамлакатимиз ҳақида чет элликларни тасаввурини бойитишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Чуст пичоқлари металининг қалинлиги, бичимининг ўзига хослиги, зангламаслиги билан ажralиб туради. Чуст пичоқлари пўлатдан чархланиб, сув берилиб ўткир ва кескир холатга келтирилади. Пичоқ ўз бичими, ўлчами билан фарқланиб, устанинг маҳсус тамғаси босилади. Чуст пичоқлари тайёр холатга келгунга қадар 76 марта қўлдан – қўлга ўтиб тайёр холатга келувчи маҳсулот саналади. Одатда, пичоқ, ханжар ва қилич каби тиғли асбобларга хар хил суяклардан ясалга чиройли дасталар хилма – хил ўйма гуллар билан безатилган. Чуст пичоғининг айни дамда қозоқча қайқи, толбарги, пайвандли, қўшхобуз безак санъат турлари қайта тиклангани, шунингдек замонавий шохсон, ёрмасоп, қалам сар, садафли, чилмехра, суяксоп каби янги безак турларини кашф этишганлиги натижасида туризм маҳсулотлар хилма – хиллигини таъминлашда ва жаҳон туризм бозорида мустаҳкам ўрин эгаллашда асосий воситалардан бири бўлиб келмоқда. Наманган вилоятининг Чуст шаҳри яқинидаги Бибиона зиёратгоҳида ҳар йили мунтазам пичоқчи устазодалар сайили ўтказиб келинади. Ушбу сайилнинг туризм объекти сифатида тур маршрутларга киритилиши Чуст шаҳри брендни сифатида эътироф этиладиган пичоқла ҳақида сайёхларни яқиндан таниширишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ўрта Осиё пичоқларининг ўзига хос томони шундаки, уларнинг тифи худди шамширга ўхшаб уч томонга ингичкалашиб боради. Пўлат тиғларга ботиқ кандақорий ва ҳал юргизишамалида нақшлар чекилган бўлиб, кесимда думалоқ шаклга эга соп ён томонидан бироз қалинлашади, бу билан шамшир дастаси қўринишини эсга солади. Думалоқ ва уч қиррали соплар, асосан, бир – бирининг устига таҳланган фил суяги варакчаларидан иборат бўлиб, уларга гавҳар ва ферузалар қадаб оро берилган. Бир соп оч-сариқ нефритдан йўнилган бўлса, яна бири, олчарангидаги юпқа агатдан ясалган. Ўрта Осиё шамширлари қарийб тўғри ва муҳрадор бўлиб, уни жуда ўткир қилиб ишланган., бақувват соплари бош томонга йўғонлашган бўлади. Қиличларнинг миллий шакли ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг тифи энсиз, бироз эгик бўлиб, сопи

одмигина. Хоч кўринишидаги ихчам, тўғри сопнинг боши тўқмоқ бўлиб, бироз орқага оғдарилган. Қиннинг тиғ жойланадиган исми ва учларига дид билан ишлов ва бадийй безак берилган.

Шахрихон пичоқчилик мактабининг вакили Алихўжаев Носиржон Шахрихон пичоқчилик анъаналарига хос бўлган усулда пичоқ, қайчи, ханжар, қилич, косиблар ва чеварлар учун иш асбоблари тайёрлаш билан шуғулланади. Алихўжаев Раҳматхўжа ясаган буюмларини қадама, ўйма усулларда безайди. Халқаро хунармандлар кўргазмаси Олтин кубоги (Париж, 2003) "ОЙМО" халқаро фестивали 1 даражали дипломи соҳиби(Қирғизистон, 2006.) бўлган.

Фарғона водийсида туризмни ривожлантиришда туристларнинг 30 фоиз маблағи сарфланиши кўзда тутиладиган миллий хунармандчилик маҳсулотлари, халқ амалий санъати намуналари, турли аксесуарларга сарфлашини инобатга оладиган бўлсақ, ушбу соҳани тараққий эттириш орқали мамлакатимизда туризм салоҳиятини ошириш мумкинлиги, минтақа туризм брендларини яратишда ва туризм имиджини шакллантиришда халқ амалий санъати намуналаридан кенг фойдаланиш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ

1. Жорий архив. Республика "Хунарманд" уюшмаси 33/3 хужжатлар йиғма жилди.
2. Жорий архив. Республика "Хунарманд" уюшмаси 33/1 хужжатлар йиғма жилди.
3. Жорий архив. Республика "Хунарманд" уюшмаси 33/5 хужжатлар йиғма жилди.
4. Жорий архив. Республика "Хунарманд" уюшмаси 33/3 хужжатлар йиғма жилди.
5. Жорий архив. Республика "Хунарманд" уюшмаси 33/4 хужжатлар йиғма жилди.
6. Жорий архив. Республика "Хунарманд" уюшмаси 33/3 хужжатлар йиғма жилди.
1. Бегматов, Хуршид Исаналиевич. "НЕКОТОРЫЕ СООБРАЖЕНИЯ ПО ИСТОРИИ КОКАНДСКОГО БУМАЖНОГО РЕМЕСЛА." ОБЩЕСТВЕННЫЕ НАУКИ В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ: ПОЛИТОЛОГИЯ, СОЦИОЛОГИЯ, ФИЛОСОФИЯ, ИСТОРИЯ. 2019.
2. Butaev, T., X. I. Begmatov, and X. X. Haydarov. "Model for the training of engineer-entrepreneurs." International Journal of Early Childhood Special Education 14.6 (2022).
3. Бегматов, Хуршид Исаналиевич. "ҚЎҚОН ҚОҒОЗИ ВА УНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАРИХИ." ОБЩЕСТВЕННЫЕ НАУКИ В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ: ПОЛИТОЛОГИЯ, СОЦИОЛОГИЯ, ФИЛОСОФИЯ, ИСТОРИЯ. 2019.
4. Isanaliyevych, Begmatov Khurshidbek. "The Role of Rishtan Pottery in the Development of Central Asia Tourism." Genius Repository 24 (2023): 1-8.
5. Adhamjon, Akbarov, and Nurmatov Sardor. "METHODOLOGY OF GRAPHIC COMPETENCE DEVELOPMENT OF FUTURE ENGINEERS BASED ON AN INNOVATIVE APPROACH." American Journal of Technology and Applied Sciences 7 (2022): 10-12.
6. YO'LDASHEV, B. I. L. O. L. K. H. O. N., and SHAROBIDINOV MUKHRIDDIN. "Exploring the Main Areas of State Support for Innovation: Fostering Enterprise Activities." Science Promotion 1.1 (2023): 11-15.
7. YO'LDASHEV, B. I. L. O. L. K. H. O. N., and SHAROBIDINOV MUKHRIDDIN. "Investigating the Efficiency and Performance of Sorting and Searching Algorithms for Array Elements." Science Promotion 1.1 (2023): 31-34.

8. YO'LDASHEV, B. I. L. O. L. K. H. O. N., and SHAROBIDINOV MUKHRIDDIN. "Exploring the Versatility of String and Array Functions in C++ Programming." *Science Promotion* 1.1 (2023): 26-30.
9. YO'LDASHEV, B. I. L. O. L. K. H. O. N., and SHAROBIDINOV MUKHRIDDIN. "Advancements in Algorithm Development for Functions and Recursive Functions." *Science Promotion* 1.1 (2023): 21-25.
10. YO'LDASHEV, B. I. L. O. L. K. H. O. N., and SHAROBIDINOV MUKHRIDDIN. "Exploring Innovative Organizational Communication Strategies: Enhancing Collaboration and Engagement in the Digital Age." *Science Promotion* 1.1 (2023): 16-20.
11. YO'LDASHEV, B. I. L. O. L. K. H. O. N., and SHAROBIDINOV MUKHRIDDIN. "The Deformation Effect of Large Reservoirs on Earth's Crust Cracks: A Linear Model of Tension Concentration in the Near Zone." *Science Promotion* 1.1 (2023): 6-10.
12. YO'LDASHEV, B. I. L. O. L. K. H. O. N., and SHAROBIDINOV MUKHRIDDIN. "Experimental Assessment of Parameters Influencing Crack Development in Concrete Structures." *Science Promotion* 1.1 (2023): 1-5.
13. O'G'Li, Xomidov Xushnudbek Rapiqjon, et al. "Konus setkali chang tozalovchi qurilma uchun chang namunalarining dispers tarkibi taxlili." *Al-Farg'oniy avlodlari* 1.4 (2023): 66-69.
14. Yuldashev, Bilol, Xushnudbek Xomidov, and Sardorbek Nurmatov. "Konus setkali chang tozalovchi qurilma uchun chang namunalarining dispers tarkibi taxlili: Annotatsiya. Ushbu maqolada konus setkali chang ushlovchi qurilma uchun chang namunalarining dispers tarkibi taxlili ko'rib chiqilgan." *Потомки Аль-Фаргани* 4 (2023): 66-69.
15. Yo'ldashev, Bilol. "Assessing the Accuracy of Geodesic Work in the Construction of High-Rise Buildings with Many Floors." *HOLDERS OF REASON* 1.1 (2023): 692-703.
16. Iqboljon, Bilolxon. "METHODOLOGY FOR CREATING ANIMATED ELETRON TEXTBOOKS FOR TOPICS THAT ARE DIFFICULT TO MASTER FROM DRAWING GEOMETRY." E Conference Zone. 2022.
17. Нурматов Сардорбек Хасанбой Ўғли, Йўлдашев Билол Иқболжон Ўғли, and Ўлмасов Фарруҳ Ёрқинжон Ўғли. "БАРБОТАЖЛИ АБСОРБЦИЯ ҚУРИЛМАСИДА ГАЗ ЁСТИФИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ УСУЛИ" Строительство и образование, vol. 4, no. 5-6, 2023, pp. 287-295.
18. Xomidov, Xushnudbek, Elmurod Rabbimov, and Dilnora Baxriddinova. "CALCULATION OF THE DISPLACEMENT OF THE OSCILLATING BEARING ACCORDING TO THE INTENSITY OF THE RADIAL PRESSURE." Инновационные исследования в современном мире: теория и практика 2.17 (2023): 198-199.
19. Xomidov, Xushnudbek, Dilnora Bakhridinova, and Sarvinoz Khusanova. "CALCULATION OF HEAT EXCHANGE IN DRYING DEVICES." Молодые ученые 1.5 (2023): 90-91.
20. Xomidov, Xushnudbek, Dilnora Baxriddinova, and Sarvinoz Xusanova. "QATTIQ YOQILG'INI ISSIQLIK BERISH QOBILYATINI ANIQLASH." Наука и инновация 1.10 (2023): 159-162.